

## ЎРТА АСР ХИТОЙ ВА ЯПОН ИСЛОҲОТЛАР ДАВРИДА



<https://doi.org/10.5281/zenodo.8091798>

**КОМИЛОВА Шахноза**

Катта ўқитувчи, ТДШУ

### АННОТАЦИЯ

*Ушбу мақолада хитой ўрта аср адабиёти ривожига катта хисса қўшган адиб Хуанг Зунсян ижодий фаолияти, ҳамда ўрта аср адабиётда япон ва хитой адабий алоқлари, хусусан таълим, маданият, савдо сотиқ соҳаларида олиб борилган ислохотлар жараёнлари, ҳамда уларнинг тадбири, япон хитой дипломатик фаолияти хусусида ҳам сўз юритилади. Шу билан бирга шеърлятидаги ўзига хос жиҳатлари, ислохотларга бағишлан асарлари мақолада маълумотлар келтирилган.*

### ABSTRACT

*The article deals with the work of the writer Huang Zunxian, who made a great contribution to the development of Chinese medieval literature, as well as Japan-China literary relations in medieval literature, especially the processes of reforms. At the same time, the article presents specific aspects of his poetry, works devoted to reforms.*

### АННОТАЦИЯ

*В данной статье речь идет о творчестве писателя Хуан Цзунсяня, внесшего большой вклад в развитие китайской средневековой литературы, а также о японо-китайских литературных отношениях в средневековой литературе, особенно о процессах проводимых реформ. деятельности в сферах образования, культуры и торговли, а также их реализации, дипломатической деятельности Японии и Китая. В то же время в статье представлены специфические аспекты его поэзии, произведений, посвященных реформам.*

Хуанг Зунсян (黄遵宪 1848-1905) хитойлик давлат арбоби, шоир. Болалигидан шеърлятга кизиққан, хитой мумтоз таълимини олган. давлат имтихонларини муваффақиятли топширган адиб бир қатор юқори лавозимларда фаолият олиб боради<sup>1</sup>. Шу туфайли 1877 йилда у Япониядаги император элчихонасига аъзо бўлади. 1880 йилда у дипломатик алоқларни яхши билган Хуанг Зунсян Хитой ва Корея ўртасидаги муносабатлар стратегиясини ишлаб чиқди. Ўз тажрибаси орқали дипломатик жараёнлар, ўзаро алоқалар борасида бир қатор рисолалар ёзади. Ўрта аср адабиётда Хитойнинг Японияга бўлган муносабатини муҳим жиҳатларини асарлари орқали маълумотга эга бўлимиз мумкин.

Хуанг Зунсян 1889 йилда у Хитойга қайтиб келади ва 1890 йилда Хитойнинг буюк Британиядаги элчисининг ёрдамчиси этиб тайинланди. 1891 йилда у Сингапурдаги элчихонада бош консул этиб тайинланди. Бу лавозимда у хитойлик эмигрантлар ва Хитой ҳукумати ўртасидаги муносабатларни ўрнатишга хисса қўшади. Бунинг ёрдамида 1894 йилда муҳожирларга уйга қайтишга ва савдо алоқаларини ўрнатишга рухсат берилди. Тез орада у Япониядаги элчи этиб тайинланди. Бироқ, кейин 1898 йилда бўлиб ўтган Цихи исёни туфайли у карерасини тугатишга мажбур бўлди. Адабиётда самарали ижод қилган адиб шеърларни эски, мамтоз услубда ёзишни афзал кўрди (гути ши), бу мисрадаги сатрлар сонини, қофия қоидаларини ва оҳангларнинг ўзгаришини камроқ қатъий тартибга солган. Шоир Жанубий Хитой халқ кўшиқлари шаклини муваффақиятли таклид қилиб, тажриба ўтказди, бунинг хусусан, унинг машҳур “Тоғ кўшиқлари” ва “Хосил кўшиқлари” циклларида тасдиқлайди. Пэйзаж шеърларининг муҳим қисмини эгаллайди. Япон таассуротлари унинг “Сакура гуллари ҳақида кўшиқлар”, “Ҳаконэ тоғига ташриф”, “Пойтахт раққосалари ҳақида

<sup>1</sup> Qian Mu. -Xitoy adabiyoti tarixi-Пекин.2015 (中国文学史/北京 2015)

кўшиқлар”, “Синобадзу кўлида кечки сайр хақида шеърлар” каби шеърларида, шунингдек алоҳида нашр этилган “Япониядаги турли тадбирлар хақида шеърлар” китобида акс этган.

Унинг Англия ва Сингапурдаги сафари (“Виндзор саройидаги Қироллик зиёфати”), Англиядан Франция ва Миср орқали қайтиши бир қатор шеърларида, шунингдек саёхат таассуротлари, Европа цивилизацияси ютуқлари билан танишиш “Цейлон оролида ухлаб ётган Будда”, “Воқеалар таассуротида” каби шеърларида ҳам ўз ифодасини топган.

Хуанг Зунхянинг ватанпарварлик ғоялари 1894-1895 йиллардаги Хитой-Япония урушига бағишланган шеърларида намоён бўлди: “Мен Пхеняни соғиндим”, “Донгтоу хақида кўшиқ”, “Вейхайвейга хақида йиғлайман” ва х.к. Шоир ҳаёти давомида унинг шеърларининг иккита кичик тўплами нашр этилган, аммо вафотидан кейин “Одамлар оламидаги кулбадан шеърлар” тўплами нашр этилган. [2]

Хуанг Зунсянь Японияга Хэ Жучжаннинг бошчилигидаги биринчи элчихонаси таркибида (1877) “Мейжи ислохотлари” бошланганидан деярли ўн йил ўтгач келган ва 1882 йилгача у ерда қолиб, “Мейжи ислохотлари” натижаларини бевосита кузатиш имкониятига эга бўлган. Шу вақт ичида у Япон жамоатчилигининг кўплаб вакиллари билан дўстона алоқалар ўрнатади, Япония тарихи, адабиёти ва мамлакатдаги мавжуд вазиятни чуқур ўрганди.

Бунинг натижасида Хуанг Зунсяннинг иккита йирик асари — “Япон ҳаёти шеърятда” ва “Япония хақида рисола” кабиларда аксини кўриш мумкин. “Япония хақида рисола” асарини тадқиқотчилар томонидан хитойлик муаллиф томонидан тузилган Япониянинг биринчи йирик тарихий ва географик тавсифи деб ҳисоблаш мумкин деб таъриф берилган. Унда Япония тарихи, географияси, Япониянинг кўшни давлатлар билан муносабатлари, унинг маъмурий тизими, таълими, савдо, маданияти хақида кўплаб материаллар мавжуд. Аммо бу китобнинг энг муҳим қисми 1868 йилдан кейин Японияда содир бўлган катта силжишларнинг тавсифини берилиши катта ахамиятга эгадир.

Хуанг Зунсяннинг Япония хақидаги асарларида билдирган баҳолари Хитойнинг ислохот ва инқилобий тенденциялар хақидаги илғор фикрларига катта таъсир кўрсатди. Канг Ювэй, Лян Жичао, Сун Ятсеннинг Япония хақидаги кейинги баёнотларида Хуанг Зунсяннинг ислохотлар хақидаги фикрлари билан ўхшашликни кузатиш мумкин.

Хуанг Зунсяннинг Япония хақидаги ёзувларидаги асосий нарса унинг “Мэйжи янгилашиши”да кўрганларини таҳлил қилишдир. Шунинг учун тадқиқотчилар томонидан : “Хуанг Зунсян Японияда Ғарб билан кутилмаган учрашувдан кейин содир бўлган улкан ўзгаришларни тушуниш учун кўп ҳаракат қилган биринчи хитойлик эди” деб таъриф берилган. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилганки, у биринчилардан бўлиб Мэйжи даврида Япониянинг модернизация қилиш тажрибасини Хитойга етказиш бўйича тавсиялар берган. Хуангнинг вазифаси Хитойнинг ҳукмрон доираларини Япониядаги ўзгаришлар тажрибаси билан таништириш, бу жараённинг самарадорлигини намоён этиш ва уларни “Япон тажрибаси” ни Хитойда ҳам синаб кўриш кераклигини тавсия беради.

Хуанг ўз асарларида Япон ислохотларининг самарадорлиги сабабини аниқлашга уриниб кўрди, японларнинг бошқа маданиятга мослашиш қобилиятини таъкидлади, шу билан бирга Танг даврида японлар Хитой маданиятининг айрим жиҳатларини қай тариқа фаол равишда ўзлаштирдилар, шу каби масалаларни қаратади.

Хуанг Зунсян Япония ҳукумати кишлоқ хўжалиги ва саноатни ривожлантиришда, янги технологиялар жорий қилишда, транспорт ва алоқа воситалари ривожланишида, янги молиявий тизимни яратишда, таълимни ривожлантиришда, замонавий куруллик кучларни яратишда муҳим фаолликни амалга оширганини ўз асарларида келтириб ўтган. Хуанг Жунхуан шу билан бирга Японияда замонавий таълимни жорий этишга, шунингдек, янги жиноий қонунчиликни яратишга

<sup>2</sup> Schmidt, J. D. (6 September 2007). Within the Human Realm: The Poetry of Huang Zunxian, 1848–1905. Cambridge University

катта эътибор берди. Хусусан, у таълимнинг барча даражаларида амалий фанлар устунлигини таъкидлади.

Манчжурлар ҳукмронлиги даврида хитой ҳукмрон синфининг алоҳида вакиллари (Цин саройидаги баъзи таниқли мансабдор шахслар) ҳам маълум даражада Японияни Хитойнинг эски ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузилмасини жадал ўзгартириш йўлига ўтиб, унинг бир қатор қўшни давлатлар ва ҳудудларга нисбатан "вассал" ҳуқуқларига фаол равишда таъжовуз қила бошлайди деб хавотирга бордилар. Ижтимоий тузумда конфуций меъёрларининг дахлсизлигини қўллаб-қувватлаган анъанавийлик тарафдори сифатида Хуанг Зунсян шундай ёзган эди: “Сиз барча сохаларда, яъний молия, савдо, хунармандчилик, кишлок хўжалиги учун фойдали бўлган барча нарсани ўзгартиришингиз мумкин. Лекин ҳукмдор ва оддий халқ, оилада ота ва ўғил, эр ва хотин ўртасидаги муносабатларни ўзгартириб бўлмайди. Сиз ахлоқий меъёрлар билан боғлиқ нарсаларни ўзгартира олмайсиз” деган ўз қарашларини ифодалаб беради.

Адиб Японияда замонавий таълимни жорий этилгани, шунингдек, янги жиноий қонунчиликни яратилганига катта эътибор берди. Хусусан, у таълимнинг барча даражаларида амалий фанлар устунлигини таъкидлаб ўтади. У ўз асарларида ислохотларни амалга оширишда ташаббус кўрсатган Япония раҳбарларининг “буюк миллатнинг ривожига хисса қўшган улкан ролини таъкидлайди. Хитойда ҳам маърифатпарварлар томонидан ҳам худди шундай ислохотлар олиб бориш тарафдорлари бўлган. Бу икки мамлакатнинг бу каби ислохотлар бўлиши, бу йўлда ҳамкорлик зарур деган хулосага келдилар. Бироқ тобора юксалиш сари интилаётган Япония Хитой учун хавф солаёт эди. Бунга жавобан Хуанг Зунсян шундай дейди: “Бунинг сабаби Ғарб маданияти ва Ғарб хулқ-атвор нормаларига бепарволик билан қизиқишининг натижаси эди. Хитой ва Япония кучларни бирлаштириши ва бирдек ҳаракат қилиши керак”<sup>3</sup>. Хуанг Зунсян асарлари орқали японияда олиб борилган ислохотларни хитойга олиб кириш эмас, балки ўз миллати, халқини турли сохаларда янгиланиш тарафдори эканлиги, буюк миллатни юксалиши учун ислохотлар зарурлигини таъкидлаш эди.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. 中国文学史/北京. (2015). Qian Mu. -Xitoy adabiyoti tarixi
2. Schmidt, J. D. (6 September 2007). Within the Human Realm: The Poetry of Huang Zunxian, 1848–1905. Cambridge University
3. Л. Каткова, Ю. В. Чудодеёв. Китай-Япония. К проблеме эволюции социально-психологических и политических, взаимовосприятия.
4. 中国文学史/北京 / 2010 年. Хитой адабиёти тарихи. 2010
5. Мухиддинова Д., Саидова Н., Ш. К., Шерматова Г. и Эгамбердиева М. (2022). Особенности развития драматургии в восточных странах. *Международный журнал социальных исследований и обзоров*, 5 (3), 31-41.
6. Saidova, N. M. (2021). Features of the Development of the Saudi Realistic Story in the Second Half of the Twentieth Century. *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*, 8(4), 360-370.
7. Аҳмедова, Шахло Иргашбаевна. ЯПОН ВА ҚУВАЙТ АДИБАЛАРИ ХИКОЯЛАРИДА АЁЛ ОБРАЗИ // ORIENSS. 2022. №Special Issue 22. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/yapon-va-uvayt-adibalari-hikoyalarida-ayol-obrazi>.
8. Ahmedova, Shahlo Irgashbaevna. BAHRAYN YOZUVCHILARI FAVZIYA RASHID VA AMIN SOLIH HIKOYALARI USLUBI // ORIENSS. 2021. №Special Issue 2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/bahrayn-yozuvchilari-favziya-rashid-va-amin-solih-hikoyalari-uslubi>.

<sup>3</sup> Л. Каткова, Ю. В. Чудодеёв. Китай-Япония. К проблеме эволюции социально-психологических и политических, взаимовосприятия.

9. Akhmedova, Shakhlo Irgashbaevna THE ISSUE OF WOMEN'S PLACE IN THE FAMILY AND SOCIETY IN THE CREATION OF GULF ARAB COUNTRIES' LITERATURE // ORIENSS. 2022. №12. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/the-issue-of-womens-place-in-the-family-and-society-in-the-creation-of-gulf-arab-countries-literature>.

10. Ахмедова, Ш. (2021). Новые художественно-методологические принципы сторителлинга в ОАЭ. *Востоковедения*, 1(1), 4–13. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/oriental-studies/article/view/15813>